

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЪ, ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЪ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

Бинокорлик ишларида индустриал методларни кенг қўлланайлик

Мамлакатимизнинг истаган шаҳар ёки қишлоғига борманг — ҳамма ерда қури-
лиш ишларининг кенг ҳажмда қўлоч ёйга-
нини кўриб, қувонасиз. Кечатгина бўлмош
ётган ерларда бугун чиройли кўчаваларни
уй-жойлар, болалар боқчаси ва иссиқ,
мактаблар, турғиқоналар ва бошқа маданий-
ий-маиший муассасаларининг бинолари қал
кўтариб турипти. Кечатгина қарай ётган
кичинеки чўлларга сув чиқарилиб, электр
станциялар, титант импоштор қурилмақда.
Ватанимиз картасида янгидан-янги қишлоқ
ва шаҳарлар пайдо бўлмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати
мамлакатимизда бинокорлик ишларини гоят
даржада ривожлантириш ҳақида тинмай
ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Қурилиш
участкаларини кун сайин янги, иш унуми
ёқори бўлган меҳнатчилар билан тобора кўп
таъминламоқда. Бинокорлик — бу халқ
хўжалигимизнинг йирик ва ҳал қилувчи
соҳалардан бирига айланган. Партия ва
ҳукумат кўпмиллионли бинокорлар ар-
миясининг иш шарафтини яхшилаш, улар-
нинг молли-маиший фаровонлигини янада
юксактартиш ҳақида кўпгина тадбирларни
амалга оширмоқдалар. Яқинда э'он қилин-
ган СССР Олий Совети Президиумининг
мамлакатимизда ҳар йили «Бинокорлар ку-
ни» байрамини ўтказиш тўғрисидаги Фар-
мони бунга яққол мисол бўлаолди. Бу ғам-
хўрликларга жавобан қурилиш ташкилот-
ларининг ишчилари ва инженер-техник хо-
димлари мавжуд техникадан тўла ва унум-
ли фойдаланиб ишламоқдалар, қурилиш
объектларини белгиланган муддатдан илгари
битказиб, фойдаланишга топширмоқдалар.

Бутун мамлакатимиздаги каби обла-
стимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам жу-
да катта ҳажмда қурилиш ишлари олиб
борилмоқда. Уй-жой ва маданий-маиший
муассасалари бинолари қурилишга йил
сайин кўплай маблағ ажратилмоқда. Биргина
Тошкент шаҳрида бу йил 80 миң квара-
т-метр ҳажмли уй-жой фойдаланиш-
га топширилгани керак. Бу рақам ўтган йи-
ли фойдаланишга топширилган уй-жой
биноси ҳажмига нисбатан деярлик икки
баравар кўпир. Қозир республикамиз пой-
тахтида 5 та мактаб, 11 та болалар боқ-
часи, 8 та болалар иссиқ, турғиқона,
касалхона, телевизор марказ, 50 миң
ўрнали «Пахтакор» стадиони, 300 номер-
ли меҳмонхона ва бошқа маданий-маиший
бинолар қурилмақда. Биргина уй-жой қу-
рилиш учун Тошкент шаҳри бўйича 109
миллион сўм маблағ ажратилган. Бу рақам
ўтган йили шу мақсадлар учун сарфланган
маблағга нисбатан деярли бирарин баравар
ортиқдир.

Айрим қурилиш ташкилотларининг кол-
лективлари бинокорлик ишларига илгор,
прогрессив методларни кенг жорий қилиш
асосида юқори кўрсаткичларга эришмоқда-
лар. Масалан, Тошкентдаги 7-чи қурилиш
бошқармасининг коллективи индустриал
методларни кенг жорий қилиш, меҳанизм-
ларнинг беқор турбй қозилишни минимума-
га камайтириш, илгорлар тажрибасини
кеңг омалалштириш натижасида давлат
пландарини доимо ортири билан бажариб
келмоқда. Бошқарма ишчилари ва инже-
нер-техник ходимлари социалистик мусо-
бақани кенг қилиб, июль ойи топири-
ғини 143 процентга етказиб бажаришлар.
Август ойи топириғин ҳам ор-
тиғи билан ало этилди, бажарила-
ган ишларнинг таннари тобора камаймоқ-
да ва сифати яхшиланмоқда.

Броқ шуни э'тироф этиш керакки, об-
ластимиздаги бинокорлик ишларининг аҳо-
ли шу кунинг юксак талабларига тўла
жавоб берайди. Ҳали ҳам кўпгина қури-
лиш ташкилотлари давлат томонидан бе-
рилган топириғларини бажармаётирлар. Бирқатор
объектлардаги қурилишлар аса

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. БУЛГАНИН Финляндия Бош Министри У. КЕККОНЕННИ қабул қилди

17 сентябрда СССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Булганин Финляндия-
нинг Бош Министри У. Кекконен жанобларини қабул қилди. Қабул вақтида СССР
Ташқи Ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов ҳозир бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ „Халқ-Демократик Чехословакиясининг 10 йиллиғи“ виставкасига борди

18 сентябрь якшамба кунда КПСС
Марказий Комитетининг Биринчи секретари
ўртоқ Н. С. Хрушчев «Халқ-Демократик
Чехословакиясининг 10 йиллиғи» вистав-
касига борди. Меҳмонин Чехословакия рес-
публикасининг Фавқулодда ва Мухтор эл-
чиси Я. Вошажек, виставка директори
И. Тауфер, Чехословакия элчихонасининг
ҳодимлари ва виставка ходимлари кутиб
олдилар.

ОБЛАСТЪ РАВОНЛАРИДА ПАХТА ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ МАЪЛУМОТ (процент ҳисобида)

Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
Оҳангарон	2,14	20,67
Писенет	1,51	20,00
Ховес	0,93	17,61
Бўжа	1,08	14,29
Оржоникидзе	1,12	14,26
Ўртачаў	1,24	12,79
Мирзақўл	1,21	12,75
Ўртачирчиқ	0,85	12,58
Гулистон	1,17	11,95
Қўнчиричиқ	1,12	11,71

кўп йиллардан бери судралиб келмоқда.
Ички резервлар ва имкониятлардан кўп-
гилдагилек фойдаланилмаётир. Шу сабабли
ҳам бинокорлик ишларининг таннарих
белгиланганидан ошиб кетмоқда, сифати
аса пасаймоқда. Мисол учун Ўзбекистон
ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши минис-
трлиғига қарашли Тошкент шаҳар қури-
лиш трестини олиб кўрайлик. Бу трестга
қарашли айрим-қурилиш бошқар-
малари давлат пландарини бажари-
риб келмоқда. Лекин шу блан бирга
кўпгина қурилиш бошқармалари ўзларига
берилган топириғларини сўринкасига ба-
жармай келмоқдалар. Жумладан, 3-чи қу-
рилиш бошқармаси июль ойи планини ати-
ғи 83 процент бажарган, ҳоло, Биринчи
қурилиш бошқармасида аса аҳвол бундан
ҳам ёмон: ойлик топириғ бор-йўғи 56
процент бажарилган. Хуш шундай аҳвол-
ни Оҳангарон, Чирчиқ, Бекбоғи ва бошқа
шаҳарлардаги қурилиш ташкилотларида
ҳам кўриш мумкин.

Хўш, республикамизда, шу жумладан
областимизда қурилиш ишлари планининг
бажаришга қозаётганлиғига асосий сабаб
нима? Аввало шунини айтиш керакки, Ўзе-
бекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши
министрлиғи жойлардаги қурилиш ташки-
лотларининг ишига ҳозирги куннинг та-
лабларига даражасида раҳбарлик қилаётир.
Министрликда ишлабчиқаришга янги тех-
ника ва илгор технологияни кенг жорий
қилиш ҳақида жуа кўп тапирлади, тез-
тез йиғилишлар бўлиб туради, даста-дас-
та қарорлар қабул қилинади. Аюсуки, бу
қарорлар ва ишлар чиққан тадбирлар
амалий иш блан мустақамланмаётир ва
шунинг оқибатида қорозда қолиб кетмоқ-
да. Қурилишларга йиғма темирбетон ва
деталялардан кенг фойдаланиш бинокорлик
ишларининг сур'атини жалдланштириб,
унинг сифатини яхшилашни тўғрисида га-
пирилатилди, амалда аса бу соҳада сезилар-
ли натижа бўлмаётир. Кўпгина қурилиш
участкалари асқирган, кустар усуллари
қўлланилмоқда. Шунинг оқибатида талай-
таа иш процесслари қўл кучи ёрдами блан
бажарилмақда.

Бинокорларимиз охида гоят катта ва
парафим вазиқлар туртипти. Бу вазиқ-
ларни муваффақият блан амалга ошириш
учун асқирган, кустар иш усулидан бата-
мом воз кечини ва бинокорликда индуст-
риал методларни пилиқлик блан жорий
қилиш лозим. Халқ хўжалигимизнинг му-
ҳим торлиғи ҳисобланган бинокорликдаги
қозқилишни тугатиш ва бу соҳада кескин
бурлиш ясаи учун бизда ҳамма имкони-
ятлар бор. Қурилиш ташкилотлари қу-
ли техника блан етарли миқдорда таъмин-
ланганлар. Қурилиш участкаларида ўз кас-
бини жоңдан севган юқори малакали иш-
чилар ва мутахассислар ишлаб турипти.
Ган ани шу гоят катта имкони-
ятлардан усталик блан фойдаланишда қолган.
Маҳаллий партия ва совет органлари
қурилиш ташкилотларининг ишлари блан
яқиндан шугулланишлари, ундаги камчи-
ликларни ўз вақтида очиб ташлашлари ва
бу камчиликларни тугатишга бинокорла-
римизга яқиндан ёрдам беришлари керак.
Ҳамма қурилиш участкаларида индустриал
методларни кенг жорий қилиш, бу соҳада-
ги асқилиш ва турғуликка қарини шаф-
қатсиз кураш олиб бориш — ҳарбир бош-
қор ишни ва инженер-техник ходимнинг
шарафли бурчиқир.

Қурилиш участкаларида КПСС XX с'ез-
ли шарафига боланган социалистик мусо-
бақа тобора кенг қўлоч ёймоқда. Бинокор-
лар ўртасидаги янги яқолий кўтарилиш ва
меҳнат соҳасидаги гайратини оддинида
турган гоят катта вазиқларини шараф
блан бажаришга сафарбар қилиш — пар-
тия ва совет ташкилотларининг жоңақон
ишиқир.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. БУЛГАНИН Финляндия Бош Министри У. КЕККОНЕННИ қабул қилди

17 сентябрда СССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Булганин Финляндия-
нинг Бош Министри У. Кекконен жанобларини қабул қилди. Қабул вақтида СССР
Ташқи Ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов ҳозир бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ „Халқ-Демократик Чехословакиясининг 10 йиллиғи“ виставкасига борди

Виставканинг А. М. Горький номидаги
Марказий маданият ва истироҳат парк
территориясида жойланган павильонлари-
ни ва оқиқ майдонлардаги стендларини
кўриб чиқиш уч соатга ақин даром этиди.
Ўртоқ Н. С. Хрушчев виставкага қўйилган
машиналарни, турли ашаратларни,
электр асбоб-ускуналарниқ, қурилиш ма-
териалларини, кенг исте'мол буюмларини
тамоша қилди. (ТАСС).

СОВЕТ - ФИНЛЯНДИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов блан Финляндия
Президенти Ю. К. Паасикиви ўртасида 16 сентябрда бўлган келишувга мувофиқ,
17 сентябрь Москва вақти блан арталаб соат 11 да Москвада, Кремльда, ҳар иккала
мамлакат ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ва мус-
тақамлашга тааллуқли масалалар устида музокаралар даром қилди.

Совет томонидан музокарада: СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин,
СССР Олий Совети Президиумининг а'оси Н. С. Хрушчев, СССР Министр-
лар Совети Равсининг Биринчи ўринбосари М. Г. Первухин, СССР Ташқи Ишлар
Министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССРнинг Финляндиядаги Фавқулодда ва
Мухтор Элчиси В. З. Лебедев қатнашдилар.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. БУЛГАНИНнинг 1955 йил 17 сентябрдаги баёноти

Бош Министр жаноблари!
Жаноблар!

Биз Совет-Финляндия муносабатларининг ҳал қилиш пайти келган масалалари
устида фикр олишмоқ ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни урушдан
кейинги вақтда ривожлантириш тажрибаларига асосланиб, бу соҳада қурилиши
мумкин бўлган янги тадбирларни муҳокама қилмоқ учун бу ерда учрашдик.

Урушдан кейин ўтган 10 йил мобайлида Совет-Финляндия муносабатларини
ривожлантиришга анча ва қувончли муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу муваф-
фақиятлар СССР блан Финляндия ўртасидаги дўстона ҳамкорлик халқларимизнинг
манфаатларига ҳаммадан кўпроқ мос бўлиб тушмаётганлигини яққол тасдиқламоқда.

Шу йиллар ичида Совет-Финляндия муносабатлари тенгхўқуқликли при-
нципларига мувофиқ равишда ҳамма соҳаларда — сийсий, иқтисодий ва маданий со-
ҳаларда ривожланиб бориб. Бу муносабатлар халқларимиз ўртасида дўстлик, ўзаро
ишонч ва кенг равишда ҳамкорлик қилиш традициялари учун мустаҳкам негиз
яратди.

СССР блан Финляндия ўртасидаги муносабатлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро
ёратиланиш тўғрисида 1948 йил 6 апрельда тузилган Шартномага асосланилмоқда.
Шу Шартномага биноан, ҳар иккала мамлакат бир-бирларининг давлат суверенитети
ва мустақиллигини ўзаро ҳурматлаш, шунингдек бир-бирларининг ички ишларига
аралашмаслик принципларига амал қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти при-
нципларига мувофиқ равишда ҳамкорлик ва дўстлик руҳида иш кўришга қарор
қилишлар. Биз халқаро тинчликни ва хавфсизликни сақлашга қаратилган ҳамма тад-
бирларга сиқилиш блан қатнашмш ияйида эканлигимизни Шартномада таъкидла-
дик, шунингдек ма'узу шарафларига бир-биримизга ёрдам кўрсатишни кўзда ту-
тдик. Шартнома томонларнинг бир-бирига қарши қаратилган коалицияларда ёки
иттифоқларда қатнашмаслигини ҳам кўзда тутдик.

Бу Шартнома Финляндия блан Совет Иттифоқининг ўзаро муносабатлари та-
риҳида бурилиш нуктаси бўлиб, халқларимиз ўртасида дўстликни ва ўзаро ишонч
ривожлантириш шарафтини таъминлади. Шу блан бирга, Совет-Финляндия Шартно-
маси Европанинг нимозида хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ҳар икки томон ўчун фой-
дали бўлган узоқ муддатли савдо битимлари асосига қурилмоқда. Мана шундай би-
ринчи битим бундан 5 йил муқаддам тузилган эли ва бу битим муваффақиятлар
равишда бажарилмақда. Совет-Финляндия савосининг ҳажми ўтган йилнинг ўзигақ
1950 йилги даражадан 3,5 баравар ошиб кетди. Бизларнинг ўртасида 1956—1960
йилларда бир-биримизга товарлар етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли янги Битим
имзоланди, бу Битим товар оборотиини янада кўпайтиришни кўзда тутди.

СССР блан Финляндия ўртасида илмий-техника ҳамкорлиғи тўғрисида яқинда
тузилган Битим, ҳеч шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлади, бу Битим савоат ва
қишлоқ хўжалиғи соҳаларидаги тажрибаларини, шунингдек фан соҳасидаги муваф-
фақиятларни ўзаро айирбашлашни кўзда тутди.

Мамлакатларимиз ўртасида қўрсонли делегацияларни айирбашлаш, Совет ва
Финляндия шаҳарлари ўртасида дўстона алоқалар қилиб туриш ва бошқа шақларда
амалга оширилаётган қизғин маданий алоқалар халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатли-
гининг ва ишончнинг қувийишига ёрдам бермоқда.

Бизнинг муносабатларимиз укунан олганда мана шу таҳлилда ривожланиб бор-
моқда. 1948 йилдаги Совет-Финляндия Шартномаси мана шу муносабатларнинг не-
гизи эканлигини кўриш қийин эмас. Турмуш шунини кўрсатдики, бу Шартнома халқ-
ларимизнинг тинч ва дўст бўлиб яшашга интилаётганликларига мос бўлиб турмоқ-
да ва шу Шартнома тузилган вақтда ундан қутилган умидларни тўла равишда рў-
ёбга чиқармоқда.

Финляндия Бош Министри У. К. КЕККОНЕН жанобларининг 1955 йил 17 сентябрдаги баёноти

Бош Министр жаноблари!
Жаноблар!

Биз Бош Министр жанобларининг нутқини катта қизиқиш блан тингладик ва
Сиз ўзингизнинг бу нутқинида айтган фикрингизга хурсанд бўлиб қўшилдики.
Сизнинг, Бош Министр жаноблари, 1948 йилги Шартномага алоҳида катта аҳамият
бераётганлигини шу Шартноманинг аҳамияти тўғрисида бизнинг фикримизни ҳам
ифодалайди. Финляндиянинг сийсати учун ва Финляндия блан Совет Иттифоқи ўр-
тасидаги муносабатлар учун мана шу Шартнома ва унинг руҳи асос бўлди. Бешил-
лик битишда ўз ифосини топаган қизғин иқтисодий муносабатлар асосан 1948 йил-
ли Шартнома негизида қурилаётганлигини тушунамиз. Мен ҳам Бош Министр жа-
нобларининг мамлакатларимиз ўртасидаги мана шу савдо-сотиқни ривожлантириш
тўғрисидаги фикрига қўшилдим. 1948 йилги Шартноманинг муддати тез орала та-
мом бўлаётганлиги ва совет томони шу Шартноманинг муддатини узайтиришни тақ-
лиф қилаётганлиғи сабабли биз, ўз томонимиздан, бу тақлифи қабул қиламиз ва
буни рўёбга чиқаришга тайёриқим.

Финляндия Республикаси Президенти Ю. К. Паасикиви жаноблари ҳузурида зиёфат

Финляндия Республикасининг Москвада меҳмон бўлиб турган Президенти Ю. К.
Паасикиви жаноблари 18 сентябрда Совет Давлати раҳбарлари шарафига Финляндия
Элчихонаси биносида зиёфат борди.

Зиёфатда Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Т. М. Маленков, Л. М. Каганович,
М. Г. Первухин, М. З. Сабуиров, М. А. Сулейов, Н. С. Хрушчев ҳозир бўдиллар.

Совет томонидан СССР Министрлари В. Г. Бакаев, Ф. Д. Вараксин, И. Г. Кабанов,
И. Н. Носенко, Совет Иттифоқи Маршал И. Д. Соколовский, СССР Олий Совети Пре-
зидиумининг секретари Н. М. Петов, Иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармасининг
бошлиғи К. И. Коваль, СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосарлари В. А. Зорин
ва В. С. Семенов, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф.
Горкин, Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Ясенов, Совет Итти-
фоқининг Финляндиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. З. Лебедев, СССР Ташқи
Ишлар Министрининг 3-чи Европа бўлимининг мудир С. Г. Лапин, СССР Ташқи
Ишлар Министрининг Протокол Бўлимининг мудир Ф. Ф. Молочков, СССР Олий Совети
Президиумининг Протокол Бошлиғи Г. Н. Фомин ҳам ҳозир бўдиллар.

Зиёфатда Финляндия томонидан Финляндия Бош Министри У. К. Кекконен, Му-
лофаа Министри Э. Скуг, Министр Р. Свенто, Ташқи Ишлар Министрлигининг статс-
секретари Р. Сеппала, Финляндиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Э. А.
Вуори, Элчихона маслаҳатчиси Я. Халлама, ҳарбий атташе полковник Э. Куусеала ҳо-
зир бўдиллар.

Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви СССР Олий
Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга Финляндия Республикаси-
нинг олий ордени бўлган ва фақат давлат бошиқларигина мукофотланадиган
олтин заنجирли «Финляндиянинг Оқ Атрғули» ордени Катта Крестини топишди.

Бу ордени топириш вақтида Президент Ю. К. Паасикиви қўйидаги нутқини
сўзлади.

Паасикиви жаноблари ҳузурида қабул маросими (2-нчи
бет).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан
Германия Демократик Республикасида Ҳукумат делега-
цияларининг музокаралари (2-нчи бет).

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булга-
нининг 1955 йил 17 сентябрдаги баёноти (2-нчи бет).
Германия Демократик Республикасининг Бош Ми-
нистри Отто Гротевольнинг 1955 йил 17 сентябрдаги
баёноти (2-нчи бет).

Пахта тайёрлаш сур'атини кунсайин ошириш учун
курашайлик! (3-нчи бет).

А. Зевелев. — Октябрь ғалабаларининг шонли жи-
моячилари (3-нчи бет).

Финляндия томонидан музокарада: Финляндия Бош Министри У. К. Кекко-
нен, Финляндия мулофаа Министри Э. Скуг, Министр Р. Свенто, Финляндия ташқи
ишлар министрлигининг статс-секретари Р. Сеппала қатнашдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин сўзга чиқиб, баёнот берди.
Бунга жавобан Финляндия Республикаси Бош Министри У. К. Кекконен сўзга чиқиб
баёнот берди.

Баёнотларнинг текстлари қўйида э'он қилинади.

Баёнотлардан кейин фикр олишув бўлди.

Эндиги мажлис 19 сентябрь арталаб бўлади.

Биз шу нарсатга гоят аминмиқки, бу Шартнома бундан бўён ҳам Совет-Фин-
ляндия муносабатлари учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат
блан биз Шартнома муддати тез орала тугатилиш назарда тутиб, унинг перспектива-
ларини муҳокама қилишни мазтуб деб ҳисоблар эдик. Шу муносабат блан биз, агар,
албатта, Финляндия томони шу Шартноманинг муддатини чўзишни ма'қуллайдиган
бўлса, ҳозирнинг ўзигақ унинг муддатини чўзиш керак эмасмиқини, деган масалада
Сизлар блан фикр олишганини истар эдик.

Совет Иттифоқи блан Финляндия ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни мус-
тақамлаш фақат бизларнинг халқларимизнинггина иши бўлиб қолмасдан, шу блан
бирга, бу нарсат катта халқаро аҳамиятга ҳам эгадир. Бизларнинг муносабатларимиз
халқларининг тинч ҳамкорлик қилишига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бу муноса-
батлар катта ва кичик давлатларининг ижтимоий тузумидаги тафовутлардан қат'ий
назар уларнинг тинч тотув бўлиб яшашни мумкинлиғи тўғрисидаги фикрининг тўғри-
лигини тасдиқламоқда.

Халқаро ҳаёт соҳасида Совет Иттифоқи ва Финляндия Ҳукуматлари шу йиллар
мобайлида тинчлик ва давлатлар ўртасида ҳамкорлик сийсатини ўтказиб келдилар.
Шу сабабли биз бу ерда шу нарсани астойдил манъунит блан қайд қилишимиз
мумкинки, айниқса кейинги вақтларда халқаро кескилик муййин равишда юмшаб
қолди. Бунга бирқанча ма'узу халқаро воқеалар ёрдам берди, бу соҳада тўрт дав-
лат — Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ҳу-
куматлари бошлаларининг Женева кенгаши алоҳида роль ўйнади.

Мана шуларнинг ҳаммаси биз муҳокама қилишимиз лозим бўлган масалаларга
алоқадор бўлмаслиғи мумкин эмас.

Бундай шарафига Совет ҳукумати Финляндия манфаатларини кўзлаб, Финляндия
территориясида бўлган совет ҳарбий-денгиз базасини тугатиш масаласини ҳам кў-
риб чиқишни мумкин деб топади.

Ма'лумки, Порккала-Удд ҳарбий-денгиз базаси 1947 йил 10 февральдаги
Сулҳ Шартномасига биноан, Совет Иттифоқида 50 йил муддат блан ижарага берил-
ган эди. Ленинград хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари ўша вақтда Совет Итти-
фоқининг чегараларига бевосита яқин бўлган жойда шу базани вуқудга келтириш-
ни талаб қилган эди. Мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатлар вуқудга кел-
ганлигини ва бу муносабатларнинг янада ривожланмоғи учун қудай перспективалар
борлигини э'тиборга олиб Совет Ҳукумати мазкур территорияда ижара тариқасида
фойдаланиш соҳасидаги ўз ҳуқуқларидан муддатидан олдин воз кечиниш, ҳарбий-
денгиз базасини тугатиш ва шу территориядан ўз қўшчиларини олиб чиқиб кетиш-
ни мумкин деб топади.

Шу нарсатга шак-шубҳа бўлиш мумкин эмаски, бошқа давлатларнинг ҳам ўзга
мамлакатлар территорияларидаги ҳарбий базаларини тугатишлари халқаро
кескиликни янада ўмлатиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган ишонч-
сизлиқни йўқотиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган бўлар эли ва зўр бериб ку-
ролланишни тўхтатмоқ учун зарур шариот вуқудга келтиришга ёрдам берган бў-
лар эди.

Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар блан бўлган ўзининг муносабатларида ҳам,
Финляндия

ЧОРВА ҚИШЛОВИ УЧУН МУСТАҲКАМ ЕМ-ХАШАК БАЗАСИ ЯРАТАЙЛИК

Чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилмаётир

Қишнинг хабарчиси куз келди. Ана шунга тушуниб етиб, ҳозирги нисик, таъминот кунлардан унумли фойдаланаётган ҳалор қолхоз ва совхозларда етарли ем-хашак базаси вужудга келтириш, чорва маҳсулотини кўпайтиришнинг асосий маънаси саноат тайёрлаши янада авж олдириб юбориш учун қишги кураш бориқда. Афсуски, Бўша районидаги раҳбарлар бу муҳим соҳага мутлақо эътибор бермаётганлар. Улар, «Ҳозир ғўза парварлиги, пахта терилиш ишлари билан бандимиз» деб чорва таъминоти қишлоқ ҳўжалигининг асосий томонидан ҳўжалигини унутиб қўйганлар. Натигада, талабчанлик, тўғри контроллик йўқлигини район қолхозларида ем-хашак тайёрлаш ва саноат бостириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бунга 1-нчи МТС зонасидаги Охунбобов номи, Сталин номи, Ленин номи, 2-нчи МТС зонасидаги Тимирязев номи, Мичурин номи қолхозлар аққо мисол бўлади. Райондаги «Ленинбоб» қолхоз белгиланган план бўйича 2600 тонна ем-хашак тайёрлаш керак эди. Лекин, қолхоз раҳбарлари бу соҳага етарли ишчи кучлари ажратмадилар, «тузилган бригада» ўрим машиналари ва транспортлар билан ўз вақтида таъминланмади. Шунинг учун ҳам мавжуд беда майдонларини жуда ҳам ҳосил олишда, хашак ўрив пилани беда бутунлай барбод бўлди. Шунинг ана шундай нотўғри унуттирилганлиги, қолхоз раҳбарларининг ўз масъулиятларини унутиб қўйганликлари сабабли 2600 тонна ўғити 880 тонна ем-хашак тайёрлаш, ҳоло. Бу қолхозда саноат бостириш ишлари ҳам мутлақо қондорсиз аҳволда. Агар далазларни айланлиб чиқсангиз саргайиб, қондориб ўз сифатини йўқотган маккажўхориларни кўлаб учратасиз. Уларга қайрилиб боқилган жонкуярнинг ўзи йўқ, йил бўли қолхозчиларнинг пилани тери билан еттиштирилган бу ҳосилнинг

беорга нобуд бўлаётганлиги қолхоз раҳбарларини ачиртирмайди.

Қолхозда шу кунгача 14 ўғити 5 та траншея қўрилган, қолганлари «цемент йўқлиги, яна у-бу етишмаганлиги» учун ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бу соҳада ички резервлардан унумли фойдаланишга етарли аҳамият берилмаётир.

Қолхозда траншеялар қўришга, маккажўхори ва бошқа хил ширалли ўғитларни ўз вақтида ўриб-йигиб, белгиланган жойларга ташиб келтиришга совуққонлик билан қаралиш, саноат тайёрлашга салбий таъсир қилмоқда, натижада шу кунгача маккажўхори сўтаси ҳамма турли ширалли ўғитлардан — ҳаммаси бўлиб, пландаги 700 ўғити фақат 300 тонна саноат бостирилди.

Худди шунингдек, иш нотўғри ташкил қилинган Мичурин номи қолхозда 1800 ўғити 356 тонна ем-хашак, 16 ўғити 5 та траншея, 750 ўғити 255 тонна саноат тайёрлаш, ҳоло.

Район раҳбарлари (райком секретари Салимхўжаев, ижроия комитетининг раиси А. Маҳмадов ўроқлар) ҳар кун қолхозлардан телефон орқали сўвда олиб туриладиган. Унга район бўйича 26000 ўғити 12287 тонна ем-хашак тайёрланганлиги, план элигини 47 процент бажарилганлиги, 10000 тонна ўғити фақат 4458 тонна саноат бостирилганлиги ёзиб қўйилган. Агар иш шу тариқа давом этаверилганда, ўтган йили чорва қишлоқда дуч келган қийинчиликларнинг бу йил ҳам тақдирларини турган га.

Район раҳбарлари ана шундан тўғри ҳулоса чиқариб олишлари, чорва қишлоқи учун етарли ем-хашак тайёрлаш ва саноат бостириш пиланини бажариш возисидан барча тадбирларни тўла амалга оширишлари керак.

У. ЖОНГИТОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

1000 тонна саноат бостирилди

«XVIII партконференция» қолхозини Сирдарё районида йиллик қолхозлардан бири ҳисобланади. Қолхозда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам алоҳид аҳамият берилаётир. Чорвачиликнинг йилдан-йилга ривожланиши сабабли ундан олинган маҳсулотини ошириш ва қолхоз бўйича белгиланган планлар ортиси билан бажаришмоқда.

Ҳозир қолхоз 500 та қорамол, 1700 га экин қўй, 70 та қатта чўча, 100 дан ортми эчки, 100 дан ортми от ва 1500 та экин паррандага эга.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларига жавобан қолхозчилар жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш учун астойдил курашмоқдалар. Бунинг учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратилмоқда. Ўтган йили чорва учун 1200

тонна беда, 1400 тонна пичан, 150 тонна саноат, 500 тонна хашакчи лаваги, 110 тонна концентрат озуқалари тайёрланган эди. Бу чорва, молларнинг қишдан соғаломат чиқиши учун катта ёрдам берди.

Қолхозда бу йил 2 та типовой молхона, битта типовой буюқ хона, отхона қўрилди. Бу йил 130 гектар ерга беда экилди. 15 гектар ерга лаваги, 10 гектар ерга хашакчи тарвуз, 32 гектар ерга хашакчи картошка экилди. Шунингдек бу йил саноат бостириш учун 40 гектар ерга маккажўхори ҳам экилди. Ҳозир 5 та саноат чўқурига 1000 тонна саноат бостирилди. Чорвалар ҳаёрий соғина ситрилган қамла 1800—2000 литрлан сўт саноат олиш учун курашаётирлар.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Т. ХАЙДАРОВ.

Қўлаб ем-хашак жамғарилмоқда

Гулистон районидаги «Красная заря» қолхозининг аъзолари пахтачиликни ривожлантириш билан бирга чорвачилик соҳасига ҳам катта эътибор бермоқдалар.

Қолхозда шу кунга қадар 800 тонна пичан, 600 тонна беда тайёрланиб, чорва моллари қишлайдиган жойларга ташиб келтирилди. Шунингдек, қолхоз чорваларини КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарорларига жавобан қолхозчилар жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш учун астойдил курашмоқдалар. Бунинг учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратилмоқда. Ўтган йили чорва учун 1200

нумлари қарорларига тўла амал қилган ҳолда саноат бостириш йилларида ҳам юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Қолхозда шу кунгача маккажўхори ва бошқа кўк ўсимликлардан 200 тонна саноат бостирилди. Ҳозир саноат тайёрлаш ишлари қизгин давом этдирилмоқда.

Р. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

Чорва моллари қишловига ҳозирлик кўрилмоқда

Ўртабасой районидаги Сталин номи қолхозининг аъзолари жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида филокхона меҳнат қилиб, маккажўхори билан мўҳ ҳосил етиштирилди.

Қолхоз чорваларини бу йил 600 тонна саноат бостириш пиланини бажаришмоқдалар. Улар бу вазифани ўз вақтида бажариш учун курашиб, 4 та траншея тайёрлади.

Н. СУЛТОНОВ.

СССР биринчилиги учун

СССР биринчилиги учун шахмат бўйича ўлкамадаги мусобақанинг 11-нчи турида Ўзбекистон шахматчилари Карело-Фин қомандаси билан учрашди.

Биринчи тахтада Муҳиддинов мастерликка қандайдан Лейн билан бўлган ўйинда ғалаба эришти. Элбеков — Осмаков, Бирбратер — Ештиней ва Сарваров — Чигаев учрашувлари дуранг бўлди. Натигада 4½:3½ ҳисоби билан Ўзбекистончилар матчи ютдилар.

Тўртинчи турда Ўзбекистон қомандаси энг кучли қомандалардан бири Ленинград шахматчилари билан учрашди. Биринчи тахтада ўйнаётган Муҳиддинов гротмейстер Тайманов билан учрашиб фавхрий ҳурашга эга бўлди. Бронина хотин-қизлар орасида дунё чемпиони Руденко билан учрашувда ғалаба қозondi. Ленинградчилар 6:2 ҳисоби билан матчи ютдилар.

Бешинчи турда Ўзбекистон шахматчилари кучли қоманда украинчалар билан учрашди. Муҳиддинов аҳволининг тантроқ бўлишига қарамай Украина чемпиони Банни билан бўлган ўйинда дуранг қилди. Қозлович Байберни ютди. Қолган учрашувларда Ўзбекистончилар мағлубиятга учрадилар. 3:5 ҳисоби билан матчи ютказилар.

Шундай қилиб, ўтган беш турдан кейин Ўзбекистон қомандаси 40 ыққониятдан 20½ очкога эга бўлиб олдинда бормоқда. Қоманда аъзоларини Пронина 4 ўтқда, Назаров, Элбеков, Қозловичлар 3 тадан, Муҳиддинов ва Сарваров ўроқлар аса 2½ тадан ютқанда эга бўлдилар.

СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ УНИЧН СЕССИЯСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН МОСКВАДАН НЬЮ-ЙОРККА ЖўНАБ КЕТДИ

17 сентябрда СССР делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Унчнн сессиясида қатнашиш учун Москвадан Нью-Йоркка жўнаб кетди.

УКРАИНА ССР ВА БЕЛОРУССИЯ ССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ НЬЮ-ЙОРККА КЕЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 сентябрь. (ТАСС). Украина ССР Ташқи ишлар министри Л. Паламарчук бошчилигидаги Украина ССР делегацияси ҳамда Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри К. Киселов бошчилигидаги Белоруссия ССР делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Бош Ассамблеяси 10-нчи сессиясининг ишларида қатнашмоқ учун Нью-Йоркка келди.

Аэропортда Украина ССР ва Белоруссия ССР делегациялари Совет Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили А. А. Соболев томонидан кутиб олинди.

В. М. МОЛОТОВ ВА СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ НЬЮ-ЙОРККА КЕЛДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 18 сентябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов бошчилигидаги СССР делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг X сессияси ишларида қатнашмоқ учун бугун Нью-Йоркка келди.

В. М. Молотовни ва совет делегациясини Нью-Йорк аэропортда Украина ССР делегациясининг Бошчилиги Л. П. Паламарчук, Белоруссия ССР делегациясининг бошчилиги К. В. Киселов, СССРнинг АҚШдаги Элчиси Г. Н. Зарубин, СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий Вакили А. А. Соболев, Польшанинг АҚШдаги Элчиси Р. Спассковский, Польшанинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий Вакили Г. Бирецкий, Чехословакиянинг АҚШдаги Элчиси К. Петржекка, Чехословакиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий Вакили Н. Уль-

рих, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти протокол бўлимининг мудири Дену, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг X сессиясида қатнашиш учун келган Украина ССР ва Белоруссия ССР делегацияларининг аъзолари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги СССР вакилларининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

Аэропортда В. М. Молотов Америка ва четта матбуоти вакилларида қўйидаги боситини берди:

«Бу йил мен Нью-Йоркка яна келишга мушарраф бўлиш менда Москвадан Нью-Йоркка бўлган йўл яхшироқ, текисроқ бўлиб қолди, деган фикр турган. Бердган йққониятдан фойдаланиб, америкали дўстларини чин кўнгилдан табрикланган ва Совет-Америка муносабатлари ҳаққидан шунинг ва умумий тинчликнинг манфаати учун муваффақиятли ривожланиши, деб самимий истак билдиришга ижозат берингиз».

Совет-Финляндия музокараларига доир

Швеция ва Дания матбуотида баён қилинган фикрлар

СТОКГОЛЬМ, 18 сентябрь. (ТАСС). 1947 йил 10 февралдаги суҳб шартномаси бўйича Совет Иттифоқида ижарага берилган Порккала-Удд қарийб денгиз базалиги Финляндияга қайтариб топирилиш тўғрисида Совет ҳукумати томонидан қилинган таъкиф бугунги газеталарнинг диққат марказида турган. Газеталар Совет ҳукуматининг бу ишга ҳаққора вазиятини янада юмшатишга қўйилган айти ҳисса деб ҳақо бермоқдалар.

Ҳамма газеталар Ташқи ишлар министри Ундининг боситини босиб чиқардилар: «Совет Иттифоқи Порккала-Удд райониин қайтариб беришга қарор қилганлиги тўғрисидаги хабар боситини Финляндия билан яқин муносабатларининг эътиборга олганда, Швеция учун нисбатан даражада қуноқчи хабардир. Умумий шундан назардан қараганда, бу қарорини кескинлик янада юмшатиш боситини деб табрикланмоқ керак. Швеция жамоатчилиги Финляндия-Рус музокараларининг бу натижасини катта мамнуният билан табрикланди».

«Морган тинчининг» газетасининг ёзишча, Совет Иттифоқининг олижаноблиги билан қилинган бу тақдир «халқара кескинликни юмшатиш сари янада кенроқ йўл очди». Финляндияга бўлаётган хурсандликка, деб давом қилиди газетда, бизнинг жамоатчилигимиз ҳам, шунингдек бугун Шимол мамлакатлари ҳам қўшмамоқда. Финляндия-Совет муносабатлари умуман ривожланиб бораётганлиги сабабли ва айниқса Порккала-Уддининг қайтариб берилиши саниари шу қадар катта воқия рўй берганлиги сабабли эътиқлида Финляндияда дўстлик ва ўзаро ёрдамлашнинг тўғрисидаги шартномани, яъни яқин келгусида мувадди тамом бўлаётган шартномани янгиланган ҳечқандай эътироз бўлмасе керак.

КОПЕНГАГЕН, 18 сентябрь. (ТАСС). Совет-Финляндия музокараларида СССР

Славяншуносларнинг халқаро комитети сайланди

БЕЛГРАД, 18 сентябрь. (ТАСС). 16 сентябрда славяншуносларнинг халқаро комитети сайланди. Комитет составига 12 мамлакат вакиллари кирди: Виноградов (СССР), Лер-Сплавинский (Польша), Хавранек (Чехословакия), Мазон (Франция), Георгиев (Болгария), Елизавета Хилл (Англия), Юлбюен (АҚШ), Стендер Петерсен (Скандинавия мамлакатлари вакили), Мавер (Италия), Петрович (Румыния), Баснер (Германия) ва Белич (Югославия).

Халқаро комитет вазифаси славяншуносларнинг контрессини тайёрлашдан иборатдир.

Кюици Токуданининг ҳоқи самолётда Японияга келтирилди

ТОКИО, 17 сентябрь. (ТАСС). Кюици Токудани агентлиги билдириди: Япония Коммунистик партиясининг маркум бош секретари Кюици Токуданининг ҳоқи бугун самолётда Хитойдан Японияга келтирилди. Япония Коммунистик Марказий комитетининг аъзоси Юсиро Сига ва маркумнинг рафиқаси Таку Токуда Кюици Токуданининг ҳоқи солинган кутубхона Некидан Токиога келтирилди.

«УНИТА» ГАЗЕТАСИНИНГ БАЙРАМИ

РИМ, 18 сентябрь. (ТАСС). Кеча Генуяда «Унита» газетасининг миллий байрами муносабати билан намойишлар бўлганлиги. Байрамни Италия Коммунистик партияси ўтказастир. Намойишда Генуя шаҳрининг аҳолисида 20 мингдан ортми киши, шунингдек Коммунистик партия активлари ва меҳнаткашларнинг мамлакатдаги барча райоилардан келган делегациялари иштирок этди.

Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг берган баёноти Копенгагендаги ҳамма газеталарнинг диққат марказида турган. Музокаралар тўғрисидаги хабарлар газеталарнинг биринчи саҳифаларида бугун бетини эгаллаган сарлавҳалар остида эълон қилинмоқда. «Социал-демократен», «Даннигс оф фолк» ва «Датенс нисхедер» газеталари «Финляндия Порккалани яна олади», деб ёзмақдалар.

Газеталар музокаралар тўғрисида берган ўз хабарларини Финляндия бош министри Беккенининг, Порккала-Уддда ижара тариқасида фойдаланиш тўғрисидаги ўз ҳуқуқларини мутлақийдан олдин воз кечиб ҳаққидан Совет Иттифоқининг берган вадаси «бизнинг қабиллиги ва бугун фин халқининг қабиллиги катта ҳурсандчилик билан тўлариди», деган гапларини бўртариб кўрсатмоқдалар.

«Политикен» газетаси, Порккала-Удд базасининг Финляндияга қайтарилаганлиги Скандинавия мамлакатларида «хурсандчилик ва оёйингиллик» туғдириб деб ёзмақда.

«Социал-демократен» газетаси ўзининг бошмақолисида бундай деб ёзди: Совет Иттифоқининг Порккала-Удддан воз кечилганлиги «Австрия билан давлат шартномаси тузилганлиги саниари жабойи, юзгирет халқаролиги яна бир қуноқчи белги», деб ҳисобланганлиги лозим. Совет тақдирини, деб ёзди газетда, «Халқара кескинликни юмшатишнинг кей-сидей доирада давом этирилиш мумкин бўлур, деган умидни мустаҳкамлайди».

УНИТА ВА КИНОЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (қизиқ бино) — 20/1X да Қароқчилар, 21/1X да Шамсикамар.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/1X да Бокчасарой Фонтани, 21/1X да Ринголетто.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун) — 1) Тарапуньякнинг пиджак билан саргузаштлари, 2) Дон Жуан.

«РОДИНА» — кеч соат 8 ва 10 да Сепил тўй.

НАВОИЙ номли — кеч соат 8 ва 10 да Рино Эскондило.

«ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) — Нестерка.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«БАТАН», НАВОИЙ номли — 1) Тарапуньякнинг пиджак билан саргузаштлари, 2) Дон Жуан.

«ИСКРА» — Дайди (искала серия).


«УДАРНИК», «ХИВА» — Нестерка.

«СРЕДАЗНЕФТЕРАЗВЕДКА» ТРЕСТИГА

Бухоро областидаги қорхоналарда доимий ишлаш учун малакали электррозаварчилар, шоферлар

К Е Р А К

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 90-нчи уй.



Польша Халқ Республикаси. Варшава йилиндаги «Урус» трактор заводи мамлакат ишлов ҳўжалиги учун машиналар ишлаб чиқаришнинг тинмай ошмоқда. 1955 йилининг биринчи ярим йилида Польша ишловчилари ўтган йилининг худди шу давридаги нисбатан 20 процент кўпроқ трактор олди. Суратда: жўнатишга тайёрланган тракторлар завод ҳўлисида.

Польша Марказий фотоагитлигининг фотоси.

Аргентинада ҳукуматга қарши исён

НЬЮ-ЙОРК, 17 сентябрь. (ТАСС). Асошнйетед Пресс агентлигининг муҳбири Буэнос-Айресдан билдириди: ҳукумат радиосининг бугун эрталаб хабар қилишича, исёнчилар қўлида бўлган Рио-Сант-Яго қарбий денгиз базаси 16 сентябрь кечаси таслим бўлган.

Юнайтед Пресс агентлиги муҳбирининг хабар қилишича, Курусу-Куати базасидagi исёнчилар гарнизонни ҳукумат қўшинларига таслим бўлган.

НЬЮ-ЙОРК, 17 сентябрь. (ТАСС). Асошнйетед Пресс агентлигининг муҳбири

Буэнос-Айресдан хабар беришча, ҳукуматга солиқ бўлган авиодесант қисмлари бугун эрталаб Кордобага етганлар ва шаҳарни ўз қўлида ушлаб турган исёнчи қўшинларга қарши жанг бошлашган.

НЬЮ-ЙОРК, 17 сентябрь. (ТАСС). Аргентинада ҳукуматга қарши исён кўтарилганлиги муносабати билан «Нью-Йорк таймс» газетаси редакция мақола босиб чиқарди. Бу мақола Аргентина президенти Х. Перона қарши жесил-йоразлар билан тўлган.

Буюк Британия медицина арбоблари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг тақдирини мувофиқ Совет Иттифоқига келган Буюк Британия медицина арбоблари делегацияси беш кун Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Шу вақт ичда делегация республиканинг даволаш ва илмий-медицина муассасаларининг иши билан таништи.

Англиядан келган меҳмонлар Семашко номидаги Ўзбекистон давлат физиотерапия ва курортология илмий-тектириш институтини, Ўзбекистон туберкулезга қарши илмий-тектириш институтини ва Ўзбекистон илмий-тектириш санитария институтини бориб кўрдилар. Улар бунда касалларни даволашнинг энг янги методларига катта эътибор бердилар. Меҳмонлар аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг қўйилишини ўрганиш мақсадида Молотов номи Тошкент медицина институтини, Охунбобов номи тўғрққонада, Сталин номи тўғқамачилик комбинатининг медицина-санитария бўлимида, Оржоникидзе районидаги Қийрай участка касалхонасида бўлдилар.

Буюк Британия делегация аъзолари Тошкент шаҳридаги машҳур жойларни бориб кўрдилар. Оржоникидзе районидаги Сталин номи қолхозда бўлдилар. Сталин номи шонерлар саройида ўтказилган Гуллар байрамида иштирок этдилар.

Ўзбекистон пойтахти медицина жамоатчилиги вакиллариининг англияли врачлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Делегация бир кунни Самарқанд шаҳри билан таништириб бағишладилар, улар бу ерда тарихий ёдгорликларини бориб кўрдилар, Ўзбекистон мазария ва паразитология илмий-тектириш институтини, шунингдек ўзбек халқи маданияти тарихи республика музейида бўлдилар.

Жўнаш олдинда делегация бошлиғи, Оксфорд университетининг ўқитучиси Мэри Стюарт делегацияни самимий қабул қилганлиги ва делегацияга ўзбек халқининг ҳаёти билан, республикада соғлиқни сақлаш ишларини қўйилиши билан кенг танишини йққониятини берганлиги учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига таънақур билдирди.

Буюк Британия медицина арбоблари делегацияси 19 сентябрда-самолётда Сочига учиб кетди. (ЎзТАГ).

Болгар-Совет жамияти иттифоқининг делегацияси Тошкентга келди

Четэллар билан маданий алоқа боглаш Бутуниттифоқ жамиятининг тақдирини мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлаётган Болгар-Совет жамияти иттифоқининг делегацияси 19 сентябрда Тошкентга келди.

Аэропортда меҳмонларни четэллар билан маданий алоқа боглаш Ўзбекистон жамияти правленисининг раиси Т. Д. Жураев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Р. Мусахонова, дамоат ташкилотларининг вакиллари ва матбуот ва